

 Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Ҳамиша эътиборимиздасиз, қизларжон!



"Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остидаги "Ёши оиласар ва қизлар" I-P еспублика форуми вилоятимизда кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. □

7-11 август кунлари ёши оиласар вакилалари, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижтимоий ташаббускор ҳамда уюшмаган қизлар вилоят хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар ташкилотчилигига фаол аёллар билан очиқ мулоқотда бўладилар.

Форум ҳафталиги давомида матбуот анжумани, "Мен ҳам етакчи бўламан", "Таълим ва фан", "Ким нимага қодир?", "Соғлом турмуш тарзи" каби учрашувлар, илмий-амалий конференция, маҳорат дарслари ҳамда акциялар ўтказилади.

Вилоят ҳокимлигига бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

□ □ □ Сиёсий жараёнда фаол аёлларга ҳавас қиласан, □ □ □ дейди "Мен ҳам етакчи бўламан" мулоқоти иштирокчиси, Андижон политехника коллежи талабаси Муқаддам Қодирова. □ □ □ Учрашув давомида қизиқтирган саволларга жавоблар олдим. Ҳуқукий маданиятнинг юқорилиги бу борада дастлабки одим эканлигини тушундим. Албатта, олган кўнилмаларимни Бўстон қишлоғимга бориб, тенгдошларим билан ўртоқлашаман.

Кун тартибидаги мавзу юзасидан Андижон Давлат университети ҳукуқшуноси Мўътабархон Содикова билан суҳбатлашдик.

□ □ □ Мазкур форумнинг юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, кенг дунёқарашга эга илгор қизларни қўллаб-қувватлашдаги ўрни катта, □ □ □ дейди у. □ □ □ Айниқса, уюшмаган ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, бандлигини таъминлаш масаласи куннинг долзарб вазифаларидандир.

Форум доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.